

“ТАСЛИҚЛАЙМАН”

Навоий вилояти ҳокимлиги
“Ягона буюртмачи хизмати” ИК директори

А.Турдиев.

2022 йил


**Кармана тумани марказидаги “Аргун” МФЙ “Аргун” кўчасининг меъморий қиёфасини
замонавийлаштириш ва ободонлаштириш бўйича ишчи лойиҳа ишлаб чиқишга**

ЛОЙИҲА ТОПШИРИҒИ

Бош буюртмачи	Навоий вилояти ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” Инжиниринг компанияси
Лойиҳалаш учун асос	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 22.01.2022й. ПҚ-98 қарорига асосан 2022-йилга Навоий вилоят туман маркази ва шаҳарларидаги автомобил йўлларини таъмирлаш манзилли дастурига асосан
Қурилиш тури	<u>Тўлик таъмирлаш</u> (қуриш, реконструкция қилиш, тўлик таъмирлаш)
Объектнинг жойлашган ўрни	<u>Кармана тумани Аргун МФЙ ҳудуди</u> (объектнинг жойлашган вилоят, туман)
Лойиҳалаштириш босқичи	Ишчи лойиҳа (ДТИХ, ТИХ, ишчи лойиҳа, ишчи хужжат)
Жойнинг тавсифи	Кармана шаҳри (лойиҳаланаётган ҳудуд жойлашуви)
Қурилиш ишларини бошланиши	2022 йил
Қурилиш ишларини тугаллаш	2022 йил
Йўл муҳандислик иншоотларнинг мавжудлиги	<u>Топографик қидирув ишлари жараёнида аниқланган мавжуд муҳандислик иншоотларни (электр, алоқа, ичимлик суви, газ, канализация тармоқлари ва бошқаларни) кўчириб олиш ва қайта ўрнатиш ишлари ишчи лойиҳасида кўзда тутилсин.</u>
Лойиҳаланаётган йўлнинг асосий кўрсаткичлари	Тўла таъмирланаётган йўлнинг умумий узунлиги 1км. <u>Аргун МФЙ Аргун кўчасини</u> таъмирлашда қуйидаги ишлар кўзда тутилсин. 1. Йўл қатнов қисми кўндаланг ва бўйлама кесим қияликлари меъёр даражасига келтирилсин. 2. Йўлнинг қатнов қисми тегишли томонларга кенгайтирилсин. 3. Йўлнинг ҳар икки томони бўйлаб велосипед ва пиёдалар йўлаги қуриш кўзда тутилсин. 4. Сутканинг қоронғу пайтларида йўл қатнов қисми ва вело- пиёдалар йўлагини ёритиш учун сунъий ёритиш тармоқлари ўрнатиш кўзда тутилсин. 5. Ички йўл ҳамда вело-пиёдалар йўлкаси оралиғида кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилсин.
Йўл тўшамаси	Мукаммал (бир қатламли иссиқ асфальтбетон)
Сунъий иншоотлар	Йўлнинг айрим жойларига сув ўтказувчи қувурлар ва келажакда ичимлик сувлари тармоғи ҳамда телекоммуникация кабелларини ўтказилишини таъминлаш мақсадида ғилофлар ўрнатилиши кўзда тутилсин.
Лойиҳалаштириш учун бошланғич маълумотлар	Асосий қурилиш материаллари ва конструкцияларининг сифати, олиш манбалари, транспортда ташиш шароитлари, темирбетон конструкциялари, деталлар ва маҳсулотларни тайёрловчи завод ва базалар, олиб боровчи ва юк тушириш йўллари, йўл қопламаси учун ишлатиладиган материаллар қоришмаларини тайёрловчи

	корхоналар омборлари ва йўл қурилиш материаллари карьерларнинг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар, лойиҳанинг смета ҳужжатларида ҳисобга олиниши керак бўлган устама харажатлар, имтиёзлар миқдори, иш ҳажми, қўшимчалар ёки бошқа харажатларга коэффицентлар лойиҳачи ташкилот томонидан тўпланиб, буюртмачи билан келишилиши лозим.
Лойиҳани давэкспертизадан ўтказиш	Буюртмачи томонидан амалга оширилади.
Лойиҳаларни ишлаб чиқишни тугатиш муддати	Шартномада аниқланади.
Қурилишни ресурслар билан таъмирлаш	Маҳаллий маҳсулотлардан фойдаланишда устуворлик берилиб ишчи лойиҳада аниқланади.
Табиий атропо-муҳит муҳофазасига талаблар	Меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида ҳисоблансин.
Капитал қўйилмаларнинг мулжалланаётган ҳажми ва молиялаштириш манбалари	Молиялаштириш манбаи: Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан
Қурилишнинг алоҳида шарт-шароитлари	Сейсмиклик даражаси – ҚМҚ га биноан қабул қилинади. Тупроқ чўкиши – дала-кидирув ишлари асосида аниқланади;
Стандартларга риоя қилиш талаблари	ШНҚ 2.05.02-07 ШНҚ 2.07.01-03* талаблари асосида
Топшириш – қабул қилиш тартиби	Ишчи лойиҳа ушбу техник топшириқ талабларига биноан қабул қилинади. Смета ҳужжатлари қурилиш материаллари, машина ва механизмларидан фойдаланиш нархларини “Буюртмачи” томонидан тасдиқланган “Келишув баённомасига” асосан ҳисоблаб чиқилиши лозим. Ишчи лойиҳа 3 нусхада ва амалдаги стандартлар бўйича расмийлаштирилган бўлиши керак.

Навоий вилояти ҳокимлиги
“Ягона буюртмачи хизмати” ИК бўлими бошлиғи



С.Ражабов